



ЖОШЛИК ЎЗБИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

8 август, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 151 (1153)

ЮРТИМ, ИСТИҚЛОЛ ОДИМИНГ ЗАЛВОРЛИ БЎЛСИН, ИҚБОЛИНГ ПОРЛОҚДИР, ТОЛЕМИНГ КУЛСИН!

«ПАХТА-БАНК»НИНГ ТАЪСИС МАЖЛИСИ

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттириш катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси «Иқтисослаштирилган акционерлик — тижорат «Пахта-банк»ни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ана шу қарорни бажариш йўлида 7 август куни Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки — «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» негизда ташкил этилган «Пахта-банк»нинг таъсис мажлиси бўлди.

Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки бошқаруви раиси Ж. Сайфиддинов банкнинг 1995 йил биринчи ярмида амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисобот берди. Тафтиш комиссияси раиси Н. Ҳамидовнинг ярим йиллик яқунлари ҳақидаги ахбороти ҳам тингланди.

Мажлисла иқтисослаштирилган янги банкнинг ташкил этилиши мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада жаддалаштириш, хусусан, пахтачилик ва унга боғлиқ соҳаларга кўрсатилаётган банк хизмати даражасини оширишда муҳим омил бўлиши ташкилланди.

«Пахта-банк»нинг низоми қабул қилинди. Банк кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолари сайланди. Ж. Сайфиддинов иқтисослаштирилган акционерлик тижорат «Пахта-банк» бошқарувининг раиси этиб сайланди.

Таъсис мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

Мажлисада республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди. (ЎЗА).

ХАЛҚ НОИБИ

Раҳмонали Мухторовни
Олтиариқ туманида та-
нимайдиганлар кам. У 39
йил туман молия бўлими-
ни бошқарди.

Айни кунда қарилмак
ташқи сураётган Раҳмона-
ли ака туман кенгаши-
нинг депутати сифатида
фаолият кўрсатмоқда.
Иқтисодий, ҳуқуқий би-
лимларнинг билимдон эш-
ларга мураббийлик ҳам
қилмоқда. Ҳозир туманда
унинг юзлаб шогирдлари
ишляпти.

СУРАТДА: Р. Мухто-
ров.
Т. ҲАМРОҚУЛ
олган сура.



БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АМАЛДА

4 август куни Вазирлар Маҳкамасида зарар келтирилган корхоналар хўжалик-молия фаолиятини қўриб қишиш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қоидаги пул-кредит сиёсати комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, республика ва вилоят банклари, молия ва солиқ органлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 июлдаги «Банкротлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт-импорт опе-

ЎҚУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

«Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси ҳамда Ўзбекирлашува бошқаруви жойларда мактаб бозорларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Республикада мактаб ўқувчилари учун «Ўзбексавдо» тизимида очилажак 230 дан зиёд ҳамда Ўзбекирлашувнинг 480 га яқин мактаб бозорлари шу йилнинг 10 августидан 10 сентябргача аҳоли хизматида бўлади.

Бу йилги мактаб бозорини ташкил этишдаги муҳим янгилик шундаки, жойларда очилган ярмаркаларда ўқувчилар учун зарур айрим жиҳозлар 30 фоизгача арзонлаштирилган нархларда сотилади. Мактаб формалари ва ўқувчилар пойабзаллари, жиҳд ҳамда дастурлар шулар жумласидандир. Утган йилгидан фарқли ўлароқ ўқув қуроллари учун илгари жорий этилган талон тизими бекор қилинди. Мактаб бозорларидан керакли буюмларни харид қилишда фуқаролардан энди ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди.

— Уюшмаимиз янги ўқув йили муносабати билан 180 миллион сўмлик томирчи сотува чиқарди. Унинг айрим турларини арзон сотишга бизга 6,4 миллион сўм, Ўзбекирлашувага эса 418 миллион сўмлик товар эвазига 38 миллион сўм маблағ кам тушади. Буни келажикдаги эгалари бўлган болаларга ҳукуматимизнинг байрам совғаси сифатида қабул қилиш жоиз. Эеро, болалар учун сарфланган хар бир сўм эвазига «деҳқон» «Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси раисининг ўринбосари Улуғбек Набиев.

«АСПЕРА» ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

Орол денгизи минтақаси аҳолисига ёрдам бериш бўйича янги халқаро лойиҳа «Аспера» деб юришляди. Тошкентда, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида шу лойиҳа билан таништириш маросими бўлди. Республика вазирликлари ва идораларининг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, «ЮНИСЕФ» БМТ халқаро болалар жамғармасининг вакиллари шу ерда тўпланишди. Учрашувини «Экосан» жамғармасининг президенти профессор Ю. Шодиметов бошқарди.

Маросимда «ЮНИСЕФ» ва «Экосан»нинг экология фалокати зонасидаги болалар ва аёлларга ёрдам беришга мўлжалланган «Аспера» қўшма лойиҳасини Ўзбекистон ҳукумати маъқуллагани тасдиқлаб ўтилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан яқинда қабул қилинган қарорга мувофиқ, лойиҳани амалга оширишда қўшма вазирликлар ва идоралар иштирок этади. Дастур тўрт йилга мўлжалланган. У оналик ва боланинги муҳофаза қилишни, аҳолини озиқ-овқат ва тоза ичимлик сув билан таъминлашни, санитария-гигиена ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган тадқиқотлар билан шуғулланган марказ тузиш мўлжалланди.

«Аспера» лойиҳаси билан таништириш маросимини Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқди. (ЎЗА).

Кичик бизнес — иқтисодийнинг устивор йўналиши

Шу йил 4 июль куни Ислам Каримов раёислигида бўлиб ўтган республика Президентини ҳузурдаги Иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармояларини бўйича идораларга кенгаши мажлисида қишлоқ жойларда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳар томонлама муҳокама қилинган эди.

Кунини кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида ҳам юртбошимиз айни шу масалага алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, кичик бизнес — иқтисодий устивор йўналиши бўлиб, уни ривожлантириш бугунги кундаги энг долзарб вазирлардан биридир. Чунки қишлоқларимизда хали деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, халқ истеъмол моллари, қурилиш ашёларини ишлаб чиқарадиган кичик ва хусусий корхоналар сонини сезиларли даражада кам.

Табиий шароит Паркент тумани аҳолисининг ҳаёти ва турмуш тарихида ўзига хос асар қолдирган. Бу ердаги тоғлиқ иқлим ва тупроқ структураси хамиша одамлардан кўпроқ гайрат-шижоат кўрсатишни, сабр-қаноатли бўлишни, бутун саложатини ишга солишни талаб этади. Кейинги тўрт йил мобайнида сурункасига об-ҳавонинг нуқул келганлиги; баҳорда соқувнинг тушиши, сел ва ёмғирнинг мейвандан ортиқ ёғиши эса мавжуд аҳолини баттар мураббаблантирди. Бироқ шунини эътиборга олиб, паркентликлар эртанги кунга ишонч ила босиб, ҳатто энг оғир дамларда ҳам қийинчиликларни енгишга, бир-бирларига ёрдам беришга куч топа олмадилар.

Жорий йилда ҳам деҳқонлар ҳар қачонгидан мўл галла, узум, мева ва сабзот маҳсулотларини етиштиришлар. Дарвоқе, бу туман, айниқса, сарва ва ширин-шакар узумлари билан машҳурдир. У маҳалли аҳолига нумай даромад келтиришга қолмай, балки шаҳарликларга ҳам қувонч улашади. Ана шу неъматдан қийимши, вино ва шампан ичимлиги тайёрланади.

Республикаимизда ишбилармонлар ва тадбиркорларга кенг имкониятлар эшити олинганлиги паркентликлар учун айни мудоао бўлди. Қишлоқларда эҳтиётдан ортиқ ишчи кучлари бор, шаҳар анча олади, кўпчилик ўрганган жойини

да қозонхона ҳам тикланади. У ишга тўшган, иссиқ сув муаммоси тўла ҳал қилинади.

Узумни сотиш ва қайта ишлашни ташкил этишга алоҳида умид билан қаралмоқда. Бу йил, оқорини да айтилгандек, тоқзорларда ҳосил мўл. Ундан қандай фойдаланиш ҳақида эса ҳозирданқоқ бош қотириш керак. Бу ерда хориқ-лик шериклар — «Сил-Род-Фурӯто» фирмаси (АҚШ) вакиллари ёрдамга келишди. Улар Паркент узумининг таркибида қандай моддаси қўрилишни ҳисобга олиб, «Коракалпок» жамоа хўжалигида қўшма кор-

хона барпо этишга киришди. У йил охиригача ишга тушади. Ушанга қадар ҳўл мева Ғарбий Европада ташиқ кетилиб, ўша ерда сотилади. Саводдан тушган малағ ҳисобига эса хўжалик дала қўшма маънада қайта ишлайдиган линия харид қилиди.

Бозор иқтисодийга ўтиш жараёни шу кеча-кундузги вақтинчалик фойдага кўта қимасдан, истикболни ўйлаб иш юритиш муҳимлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда кўпчилик хусусий дўкюлар очиб, уларда бира ил ҳаварлар; жорикдан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва қийим-кечакларни сотаяпти. Бундай тижоратчилар қўшиқти шароитга бардош бера олармикун. Бу ҳақда бир нарсга дейиш қийин. Бироқ шундай тадбиркорлар ҳам пайдо бўлмадиларки, улар ишончли тарзда, «Ети ўчлаб, бира кес» қабиллида бизнесга қўл урмадилар. Шу маънода Паркентда хусусий супермаркет оғдан «Дилнаво» фирмасининг иши диққатга сазовордир. Бу ерда фақат кундалик ахтиёж моллари; тайёр қийим-

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сузи» ва УА муҳбирлари
хабар қиладилар

ФАКУЛЬТЕТ ЎРНИДА ЎҚУВ МАРКАЗИ

Бухоро давлат университетининг тарих факультети ўрнида тарих факультети, иқтисод бўлими, фалсафа, педагогика-психология, иқтисодий назария кафедраларини ўз ичига олаан ижтимоий гуманитар фанлар ўқув маркази ташкил этилди.

Марказ қадрлар тайёрлаш билангина эмас, илмий, услубий фаолият билан ҳам шуғуъланади, дарслик ва ўқув қўлланмалари чиқаради.

Университетда ўзбек ва тожик филологияси ҳамда хорижий тиллар факультетлари негизда филология ўқув маркази ҳам ишлай бошлади.

ТОҒ-ЎҒИТИ

Кегайли тумани хўжаликларига ғўза биринчи марта туман ҳудудидаги Усколатов, Қиритов, Бетовдан келтирилган табиий ўғит — глазонит билан озиқлантирилмоқда.

Гап шундаки, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон олимлари заҳиралари беҳисоб бўлган бу ўғитда ўсимликнинг ривожланиши учун жуда зарур 20 га яқин микроэлемент борлигини аниқлашди.

«БЎСТОН»НИНГ САҲОВАТИ

Нурота туманидаги «Бўстон» хусусий фирмаси ташкил бўлаганига бир йил бўлди. Ишини туман марказидаги стоматология поликлиникасини хусусийлаштириб олинган бошлаган «Бўстон»чилар фирмаси бир неча тармок бўйича фаолият юришляпти. Улар олтинга фойдаланиб бир қисминини савобли мақсадларга сарфляшляпти. Тумандаги 27-мактаб ўқувчилари учун мақсад «Бўстон» стенидаси жорий қилинди. Байналминвал-чи жангчиларга ҳам 5000 сўм миқдорда ёрдам кўрсатилди.

Сурагда: «Бўстон» фирмасининг стоматология поликлиникаси врач Саид Ҳақназаров навабдаги мижозини қабул қилмоқда.

«АСПЕРА» ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

Орол денгизи минтақаси аҳолисига ёрдам бериш бўйича янги халқаро лойиҳа «Аспера» деб юришляди. Тошкентда, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида шу лойиҳа билан таништириш маросими бўлди. Республика вазирликлари ва идораларининг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, «ЮНИСЕФ» БМТ халқаро болалар жамғармасининг вакиллари шу ерда тўпланишди. Учрашувини «Экосан» жамғармасининг президенти профессор Ю. Шодиметов бошқарди.

Маросимда «ЮНИСЕФ» ва «Экосан»нинг экология фалокати зонасидаги болалар ва аёлларга ёрдам беришга мўлжалланган «Аспера» қўшма лойиҳасини Ўзбекистон ҳукумати маъқуллагани тасдиқлаб ўтилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан яқинда қабул қилинган қарорга мувофиқ, лойиҳани амалга оширишда қўшма вазирликлар ва идоралар иштирок этади. Дастур тўрт йилга мўлжалланган. У оналик ва боланинги муҳофаза қилишни, аҳолини озиқ-овқат ва тоза ичимлик сув билан таъминлашни, санитария-гигиена ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган тадқиқотлар билан шуғулланган марказ тузиш мўлжалланди.

«Аспера» лойиҳаси билан таништириш маросимини Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқди. (ЎЗА).

ИШТИЁҚ БОР ЖОЙДА ЮТУҚ БЎЛАВЕРАДИ

Бунга Паркент тумани тадбиркорларининг иши бир мисолдир

Ишлайдиган, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар очини ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришдир. Президент фармонлари, парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳукумат қарорлари кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиб берди. Биз ҳам ўз навбатида тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишимиз.

Бунинг шарофати ўлароқ ҳозир туманда 400 дан зиёд юрдиқ мақомага эга бўлган тадбиркорлик тузишлари, шу жумладан, 126 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Утган икки йил ичида 70 савдо бекети барпо этилди. Яқка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий томорка хўжалиги учун 72 та ер участкаси «Ким ошди» аукционидега сотилди. Ушбу тадбирлардан тушган маблағ эса иқтисодий мақсадларга, қишлоқларни ободонлаштириш ишларига сарфлянаётир. Бир мисол. Турғуқонга тоза ичимлик суви келтирилди, бу ерда тез ора-

Икки хил манзара, икки тоифадаги тадбиркор... Қай бирдан ўр-нак олиш керак? Албатта, охиригидан. Республика Президентини ҳузурдаги Иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармояларини бўйича идораларга кенгаши мажлисида қўриб олинган бозор муносабатлари соҳасидаги саводчиликка барҳам бериш, қишлоқ аҳолини, айниқса, ешларни боқимандалик қайфиятидан ҳалос этиш, уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик иштигини уйғотишини муҳимлигини тасдиқлаб ўтганларидеда айни шунини назарда тутган эди.

Паркент туманида, шунингдек, туризмин ривожлантириш ва дам олишни ташкил этишининг имкониятлари мавжуд. Ғўзал табиат, тоза ва оромбах ҳаво, шарқираб оқаятган сойлар, шифобахш бўлоқ сувлари — буларнинг ҳаммаси Тошкент ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида яшовчи минг-лаб кишиларни ўзига охиғрабо-дек жалб этмоқда. Ез ояларида, айниқса, дам олувчиларнинг сонини

ҚИШЛОҚДА ЯНА БИР ЛИЦЕЙ

Пахтаобод туманининг Маданият қишлоғида янги лицей очилди.

Тумандаги умумий таълим мактабларининг физика ва математикага қўбиятли дярли 120 нафар юқори синф ўқувчилари шу ерда яшайди ва ўқийди. Улар танлов асосида қабул қилинади ва чуқурлаштирилган дастур бўйича ўқитилади. Лицейда ўқувчиларнинг яқини ўқини ва дам олиши учун ҳамма шароит яратилган. Синфхоналар, тақрибхоналар замонавий электр аппаратлари ҳамда кўргазмалли қуроллар билан жиҳозланган.

ТАРАДУУ

Бекобод шаҳрида Туркия технологияси асосида ишлядиган «Экосан» кичик пош заводи маҳсулот бера бошляди.

Бу ерда мустақиллик байрами ҳамда шаҳарнинг эллик йиллик туйиғга тайёргарлик доирасида элликдан ортиқ саноат, савдо ва маданый-манший иншоот қурилиш-таъмирлаш ишлари жалал оlib борилляпти.

ҲИССАДОРЛИККА АЙЛАНЛЯПТИ

Тошкент консерва заводи жамоаси бир қанча хорижий шериклар билан узаро манфаатли ҳамкорлик асосида иш олиб бярляпти. Жумладан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида Швейцария фирмаси билан заводдаги маляжуд техника учун 290 миғ АҚШ доллар миқдоридеда эҳтиёт қисмлар олиб келиш борасида шартнома имзоланганини кўзда тутилмақда.

СУРАТДА: олма шарбати қўйиш цехи оператори Ҳолида Шарипова иш устида.



Республикамиз мустақиллигининг 4 йиллиги олдидан

ОДАМЛАР БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИДАН БАТАМОМ ХАЛОС БЎЛИШИ — БИЗНИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗДИР

Байрамолди анкета

ҚАЛБЛАРИМИЗНИ ЧАРОФОН ЭТАЯПТИ

1. Сиз ва жамоангиз истиқлол байрамини қандай кутиб олайсиз?
2. Мустақиллиқнинг тўрт йил мобайнида рўй берган қайси ўзгаришларни таъкидлашни истардингиз?
3. Истиқлолнинг янада мустақамлаши, ислохотларни муваффақиятли яқинлаштириш учун бундан буйи нималарга эътибор бериш керак, деб ҳисоблайсиз?

Азимбой САБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты, ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети ректори, Республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси:

1. Қалбимизда истиқлолдан гурӯҳланган, руҳланиш, илҳомланишдек улғур туйғулар жўш ураётганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Мустақилликка эришганимиздан бундан олдин ушбу вақт мобайнида жонажон Ўзбекистонимизда ўзига хос давлатчилик илдизлари томир ёйиб, демократик тамойиллар мустақам қарор топди. Хуллас, сеvimли ватанимиз, ажойиб, меҳнатсевар халқимиз билан фахрлинишга арзирли воқеалар бисёр. Шуниси ҳам муҳими, тўрт йил ичида халқимизнинг юксак сийсий ва маънавий бирлиги қарор топди, ижодий меҳнат ва турмуш учун қудай шарт-шароит яратилди. Бутун жаҳонга кўз-қўқ қилса арзийдиган буюк қадриятларимиз ҳам қайта тикланди.

Ҳаётимизда тобора кенг ва чуқур сингиб бораётган бозор иқтисодиёти аниқ истиқболдаёқ тула иқтисодий мустақилликка эришувимиздан, наинки республикамиз, балки бутун жаҳон тараққиётига таъсир этаётган фан ва техника базаси яратилишидан далолат бериб турибди. Хусусан, барқарор турмуш негизи ҳисобланиши га, нефть-энергетика соҳасида мустақилликка эришяётганимиз ўзининг ижодий натижаларини бера бошлади. Бу омиларнинг барчаси Ўзбекистон келажаги буюк, истиқболли давлатга айланганидан далолат бериб турибди. Булардан фахрланмай бўладими ахир? Аммо шуниси ҳам таъкидламоқ зарурки, порлоқ келажак сарфратли меҳнат, интишиш, изланиш, яратилиш, вақтинчилик қийинчиликларни кучли ирода ва

матонат билан енга олиш, тинч-тотув турмушимизни қадрлаш ва сақлаш баробарида қурлади. Буларни албатта ҳар биримиз ёдда тутмоғимиз керак.

2. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир кунимиз ажойиб воқеалар, янгиликлар силсиласида кечаяпти. Истиқлол йилларида содир бўлган воқеаларнинг барини тарихимиз учун муҳим ва аҳамиятли санайман. Юртимизнинг бир фарзанди сифатида Ўзбекистонимизнинг ўз мустақиллиги эълон қилинган, Конституцияси, давлат маҳдуси, байроғи, герби, олий таълим тизими, ислох қилиш бўйича оқил-она фармон ва қарорлар қабул қилинган, тилимизга давлат мақоми берилган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида Республика-миз байроғи кўтарилган саналарни ҳаётимизда бахтиёр олар сифатида ҳамisha эсда тутаман.

Ўзим яшаб меҳнат қилаётган Хоразм вилоятида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди, бу жараён ҳозир ҳам кенгайиб ва чуқурлашиб борапти. Булар шарофатидан воҳа шаҳари қишлоқларга озолаб янги корхона-лар, хизмат кўрсатиш маскан-лари қўрилди. Минглаб мо-ддий бойлик ўчоқлари жамоа-лар ва хусусий кўларга бе-рилди. Ун мингдан кўп тад-биркорлик ўчоқлари вужудга келтирилди. Дунёнинг ривож-ланган мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий-маъри-фий алоқалар йўлга қўйилди. Бу сингари ўзгаришлар иж-тимий-иқтисодий, сийсий ва маънавий турмушимизни туб-дан мустақамлашти турган гап.

3. Пировард ниятимизга эришиш учун ҳали олдимиз-да жиддий ва масъулиятли юмушлар турибди. Энг му-ҳим вазифа эса Ўзбекистон-ни ижтимоий ва иқтисодий

жиҳатдан равақ топтириш бўйича Президентимиз томо-нидан белгилаб берилган беш-та асосий тамойил ва у билан боғлиқ амалий, назарий йў-налишлар, қоидалар, услуб ва дастуриламаларни сабот бил-лан ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Булар орасида ҳаётий муҳим неъматларнинг барча-си ўзимизда ишлаб чиқари-лишни таъминлашни ни-ҳоятда муҳим вазифа, деб ҳи-соблайман. Қудратли ва буюк давлатнинг барпо этилиши де-мократия омилларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳозирги куннинг долзарб вазифаси эса бозор иқтисодиёти тартиб-қоидаларини босқичма-бос-қич такомиллаштириб бориш-дан, давлат ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва фуқа-ролар орасидаги ҳуқуқий му-носабатларни шакллантириш, банк, молия ва тўлов тизими-ни замон талабларига тула мослаб олишдан, тадбиркор-лик ҳаракатини ҳар томонла-ма қўллаб-қувватлашдан ибо-рат.

Кишилар қалбига ўз вати-нини, халқини севиш, қонун-ларимиз ва қадриятларимиз-ни ҳурмат қилиш туйғуларини қарор топтириш ҳам му-ҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада биз, эътилол, мураб-бийлар зиммасига ҳам улкан масъулият юкланиши, шуб-ҳасиз ўтган йиллар мобайни-да бундай ишларни муваффа-қиятли тарзда урдалаш, муам-моларни бартараф этиш учун қудай имконият вужудга ке-лди. Таълим-тарбия ишлари-ни республикамиз вилоятла-рида ҳам намунали ташкил этиш йўллари очилгани ҳам-мамиз учун айна мудоаб бўл-ди. Бу борада ташланган қа-дамлар олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантиришга-ни хизмат қилиб қолмади, балки минтақаларда фан ва техника тараққиётини жалал-лаштириш имконини ҳам бе-ради. Ана шу сингари фахри-ли ва масъулиятли ишларни охи-рига етказиш учун улш қўша олсаккина ўзимизни юрти-мизнинг ҳақиқий фарзанди, фуқароси, эътилол, ватанпар-вари дея ҳисобласак, арзийди.

«Халқ сўзи» мухбири Абдулла СОБИРОВ эъиб олди.

«Халқ сўзи»нинг «ЎзДЭУавто»даги мухбирлар қўналгасидан хабарлар

Катта йўлга чиқиш ҳеч қачон осон кечган эмас. Шубҳасиз, Ко-рея мамлакати ҳам автомобил-созлик соҳасида бугунги даража-га эришиш учун жуда кўп қийин-чиликларни бошидан кечирди. Бугунги кунда эса у жаҳон бозори-да ўз ўрнини эгаллаб, харидор ва мижозлар ишончини қозонмоқда. Бунда «ДЭУ» корпорацияси-нинг ҳиссаси катта. У бозор иқ-тисодиётининг барча машаққат-ларини ентиб, Япония, Америк-а, Германия, Франция, Италия

сингари давлатлар автомобилсоз-лиги билан рақобатлаша олади-ли билан йирик ин-дустриани ву-жудга келтир-ди. Ўзбекис-тон ҳам кела-жакда ана шундай дав-латлардан би-рига айлана-жагига ишончим комил. «ЎзДЭУавто»даги ишларнинг жадал бориши, қурувчилар,

пайвандчилар, қўйинг-ки, барча бунёдкорларнинг ғайрат билан ишлашлари бизни қувонтиряпти. Вақт олтиндан қиммат, деган ҳикмат бор. Ҳамкорлар учун ҳар бир лаҳзанинг қадр-қиммати беқиёс. Иш сифати — корпорациямиз учун олий мезон. Шунинг учун

Асакада ҳар бир детал ва меха-низмни пухта ўрнатиб, жой-жойига қўйиб учун талабчанлик-ни ошираямиз. Энг муҳими, ҳамкорлар ўртасидаги ишонч янада мустақамлашиб бораётир. Шу боис ютуқларимиз тагин-да кўпайиб, қўзланган мақсадимиз-нинг рўёбга чиқиш вақти яқин-лашмоқда. Ким Чонг СУ, «ДЭУ» корпорациясининг жиҳозлаш ишлари бўйича мутахассиси.

Тадбиркорликка кенг йўл

ЁЗЁВОН БОЗОРИ

Ёзёвон рамзий маънода Фарғона vodiёсининг маркази, дейи-шади. Марғилони Наманган билан, Қўқони Андижон билан, Ушчи Тошкент, Жалолободи Хўжаид билан боғлайдиган йўлар айнан ана шу Ёзёвондан ўтади. Бир пайтлар бу маънада бутун Шарққа машҳур бозорлар бўлагани тарихдан яхши маълум.

Ёзёвонликлар ана шу тари-хий анъанани тиклашга астойдил бел боғладилар. Водий чорраҳасида йўловчи-ларга хизмат кўрсатадиган овқатланиш муассасалари, транспортларга хизмат кўр-сатадиган шохобчалар, қат-тор савдо тизимлари қад ро-стлапти. Яқин вақтга шу йирик чорраҳада мўъжазига-на бозорча бўларди. Туман

ўрнида замонавий меъмор-чилик анъаналари, шарқона услубда қурилган, айниқса, харидорларга ҳамма ку-лайликлар мавжуд бўлган юри бозорнинг очилиш ма-росими Ёзёвонда катта тан-таналарга айлиниб кетди. Бу умумхалқ байрамига туман-нинг барча қишлоқларидан, маҳаллаларидан ҳатто қўш-ни Андижон вилоятининг Комсомолобод ва Бўз туман-ларидан ҳам вакиллар таш-риф бўуришти. Бозор-нинг бош майдонида ана шу воқеага бағишланган кўп ми-нг кишилик йиғилиш бўл-ди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«БАНДИК» ДАСТУРИ АСОСИДА

Тошкент вилоятида аҳо-лини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Йил-нинг ўтган даври мобайни-да «Бандик» дастури асо-сида режадаги 4133 ўрнига 5136 янги иш ўрни ташкил этилди. Биргина Оҳангарон туманида эллика яқин ки-чи ва хусусий корхона, сав-до дўкон, фирма ва фермер хўжаликлари очилди. «Гул-чехра», «Яё» кичик корхо-налари кўпгина ёшларни ка-сбга ўргатиш ва ишга жойлаштиришда аиниқса намуна кўрсатмоқда.

Ёшлида ким космик кема, сайёра-раро космик станция, Ер йўлдошининг ҳақиқий моделини ясашни орзу қилмаган дейсиз! «Ўзбеккосмос» республика агент-лисининг «Коспонт» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида очилган халқаро аэро-космик мактабига қабул қилинган юқори синф ўқувчилари ана шундай орзуларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўудлар. Машгулотлар бирлашманинг Тошкент ви-лоятида жойлашган дам олиш зонасида ўтмоқда.

Ёзи халқаро аэ-рокосмик мактабга 60 нафар ўқувчи қа-бул қилинган. Ўзе-бекистоннинг турли вилоятларидан, шунингдек, Россия, Қозғистон ва Қир-ғизистондан келган болаларга барча шарт-шароитлар яратилган. Лекциялар ва амалий ишлар учун хоналар, компьютер зал-лари жиҳозланган. Ун кун машгулот ўтқа-лиши бўлиши керак. Космик тармоқ ана шундай йўналишлардан биридир. Мактаб, олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассаса-лари ўртасида шундай мустақам алоқа бўлган тақдирдагина юксак те-хнологияга асосланган иш-лаб чиқаришда ишлашга ва янгиға фикрлашга, дав-латимиз иқтисодиётини мустақамлашга чинакам ҳисса қўшишга қодир бўл-ган мутахассисларни тайёрлаш мумкин. Шу сабабли, ҳозирги пайтда муносиб ўринбосарларни тарбиялаш асосий вазифалардан биридир. Бирлашмаимиз ҳузу-рида ёзи мактабдан ташқари, бутун ўқув йили давомида ишлайдиган ёшлар аэроко-смик маркази очилган. Унинг тингловчилари самолёт ва ракета-лар моделларини ясашни ўрганадилар, компьютерда лойиҳалар тузиш билан шуғулланадилар. Машгулотларда му-ваффақиятли қатнашган мактаб ўқувчилари олий ўқув юртларига, хусусан Тошкент дав-лат авиация институтига кириш учун йўлан-ма оладилар.

ТОШКЕНТ ЯҚИНИДАГИ КОСМИК МАКТАБ

нашли бўлиши керак. Космик тармоқ ана шундай йўналишлардан биридир. Мактаб, олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассаса-лари ўртасида шундай мустақам алоқа бўлган тақдирдагина юксак те-хнологияга асосланган иш-лаб чиқаришда ишлашга ва янгиға фикрлашга, дав-латимиз иқтисодиётини мустақамлашга чинакам ҳисса қўшишга қодир бўл-ган мутахассисларни тайёрлаш мумкин. Шу сабабли, ҳозирги пайтда муносиб ўринбосарларни тарбиялаш асосий вазифалардан биридир. Бирлашмаимиз ҳузу-рида ёзи мактабдан ташқари, бутун ўқув йили давомида ишлайдиган ёшлар аэроко-смик маркази очилган. Унинг тингловчилари самолёт ва ракета-лар моделларини ясашни ўрганадилар, компьютерда лойиҳалар тузиш билан шуғулланадилар. Машгулотларда му-ваффақиятли қатнашган мактаб ўқувчилари олий ўқув юртларига, хусусан Тошкент дав-лат авиация институтига кириш учун йўлан-ма оладилар.

КОНЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН ДАРГОҲ

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 7 июлдаги Фармонида билим Навоий шаҳрида Навоий Давлат кон-чилар институти ташкил этилди. Шу асосда бугунги кунда ташкил ишлар олиб бориламоқда.

Маълумки, шу йилнинг 1 июлидан республикамиздаги барча олий ўқув юртларининг жойлардаги филиаллари ту-ратилган эди. Шунга кўра, Тошкент Давлат техника дорил-фунузининг Навоий филиали Навоий техника коллежига айлантирилди. Ростки, кончилар ва индустрияда салмоқли ўрин тутган Навоий вилояти учун бу катта йўқотишдек эди. Бироқ, вилоятда кончилар институтини ташкил этиш фик-ри анча илгарироқ пайдо бўлганди. Юртимизимиз шу йил июнь ойида Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларида бўлганида вилоятда ана шу соҳа мутахассисларини етиштириб бериш ишларини яхшилаш мақсадида малакали мутахассислар тайёрлаш учун махсус олий ўқув юрти ташкил этиш дозим-литини ўқдирган эди. Орадан кўп ўтмай, мазкур Фармон эълон қилинди. Унга кўра институт ҳузурида коллеж ҳам ташкил этилмоқда.

Институт келажакда қандай мутахассислар тайёрлайди? Ушбу саволимизга аниқлик киритиш мақсадида ташкилий ишлар раҳбари, техника фанлари доктори Баҳолид Ража-бовга мурожаат қилдик.

— Институтда кончилар ишлари ва металлургия, кимё-технология, энергомеханика ҳамда умумий техникавий кул-диётларни ташкил этмоқчимиз, — деди у киши бизга жа-во-бан. — Шунингдек, илм даргоҳи қошида мутахассисларни-нг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети ҳам фаолият кўрсатади.

Илм даргоҳида қўшимча ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж унчалик катта эмас. Кейинчилик эса махсус фанлар бўйича профессор-ўқитувчиларни Фармонда кўрсатилганидек, рес-публикамиздаги бошқа олий ўқув юртларидан, шунингдек, хориждан таклиф этилган. Институтни тугаллаган мутаха-ссислар ҳар қандай санаят корхонасида ўз мутахассислик-лари бўйича ишлашлари мумкин. Аммо бизнинг асосий бю-ро-мчиларимиз «Қўзилкумбёметаллотин» давлат кон-церни ва «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳи-собланади. Тузиладиган шартномаларга мувофиқ тегишли талабаларнинг ўқиш ҳаражатлари мазкур корхоналар ҳи-с-бидан қопланади.

Айни кунда институт 5 та ўқув корпуси, 600 ўринли талабалар ётоқхонаси ҳамда шаҳар четида соғломлаштириш масканига эга. Абитурентлар ва талабалар қабул қилин-моқда. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Т. ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САЛКАМ 1 МИЛЛИОН 200 МИНГ ТОННА

Ангрен кўмир ҳазаси меҳнат жамоаси ўтти даври му-рақабчиликларига қарамай, йилини биринчи ярмини муваф-фақиятли яқулади. Истеъмолчиларга салкам 1 миллион 200 ми-нг тонна кўмир етказиб берилди. Бу режадагидан қарий қирқ ми-нг тонна кўндир.

Ангренилик кончилар республика энергетика тизимидаги корхоналар, хусусан, Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСларини санаот ёқилмаси билан бир метёрда таъминлаб келмоқда. Махсулот шартнома асосида қўшни вилоятларга, шунинг-дек, Қозғистонга ҳам жўнатиляпти.

ФЕРМА ЭГАСИНИ ТОПДИ

Шофиркон туманидаги Ж. Орипов номи жамоа хўжали-ги чорвачилик фермаси кимшоҳида қўйилди. Дастлабки баҳо-си 782 ми-нг сўм бўлган ферма 950 ми-нг сўмга сотилди. Вилоятда ҳозиргача бошлангич баҳоси 29 миллион 540 ми-нг сўм бўлган 15 та ферма 35 миллион 269 ми-нг сўмга харид қилинди.

ЯНА БИР ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ...



Наманган темир йўл савдо-ҳи-с-садорлик жамияти ишчи-хизматчи-ларининг саломатликларини муста-қамлаш мақсадида санаторий бино-сини тиклади. Ҳозир 1,5 километр-лик масофага қурув ётказиб минерал сув келтириш мўъжалланаяпти. Бу ерда асаб, ошқозон-ичак, оёқ оғриғи, бўғин, қон-томир ва тери касаллик-лари даволанадиган бўлади. СУРАТЛАРДА: (чапдан) жамият ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи П.

Сайдазимов, раис муовини Ж. Жало-лов; санаторий кўришини. Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ИСТАГАН ВАҚТИНГИЗДА

Гулистон шаҳрининг тўртинчи даҳасида исти-қомат қилувчи аҳоли бир-кун давомида текши пон-олашди.

Бу ерда янги иш бошла-ган «Дока касб» кичик кор-хонаси ўз мижозларига ана шундай саҳоват кўрсатди. Бу корхона вилоятдаги «Дони» хусусий фирмаси томонидан очилди. «Дока касб» корхо-наси бир кунда 25 турдаги 1,5 тонна нон ва нон махсу-лотлари бериш қувватига эга. Тайёр махсулот шу ердаги дўконда ҳам пешма-пеш со-тилади. Яна бир қўлайлиги шуки, корхона кечаю-кун-дуз тинимсиз ишлайди, ун-дан истаган вақтда иссиқ нон харид қилиш мумкин. А. ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«МАДИЁРОБОД»ГА ХАМ ГАЗ КЕЛДИ

Олтинқўлиқлар юрт-бошимизнинг аҳолини та-биий газ билан таъмин-лаш ҳақиқиси фармонини бажариш учун бутун ил-кониятларини ишга со-лаштирилди.

Яқинда тумандаги «Ма-диёробод» жамоа хўжалиғи-нинг 150 хонадонига «зан-гори олов» келди. Фақат бу-гина эмас, тумандаги «Тош-кент», «Туркистон», «Ком-муна», «1 май», С. Ашуров номи жамоа хўжалиқлари-да ҳам газлаштириш ишла-ри жадал олиб бориляпти. Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КИРОЙИ ДЎКОН БЎЛСИН...

Тўрткўл шаҳрида Қо-рақалотгонистондаги даст-лабки супермаркетни фойдаланишга топши-ришга ҳозирлик қўриламо-қда.

Шу ниятда шаҳар маркази-даги икки қаватли собиқ «Болалар дунёси» дўкони зар-рур жиҳозлар билан қайта таъмирланаётир.

Бўлажак супермаркет эга-лари — «Баракат» ҳиссадор-лик жамияти жамоаси янги дўкондаги кўрсатиладиган савдо хизматини ушбу соҳа-даги энг сунгги ютуқларга суянган ҳолда ташкил қи-лиш фикридалар.

Мазкур режа соҳиблари-нинг асосий мақсади — су-пермаркет пештахталаридан жой олажак мингдан зиёд хилдаги махсулотларнинг сиф-атли ва арзон бўлишига эришиш, бинобарин, савдо айланшини тезлаштириш, молларнинг пештахта ва ом-борларда узоқ вақт сақла-ниш қолмаслигини таъмин-лашдан иборатдир.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хотира

ИЖОД БОБИДА ДАВВОСИ ҲАМ, ТАЪМАСИ ҲАМ ЙЎҚ ЭДИ

Кейинги ўн йилликларда ўзбек ҳажвийтеатри «Телеминиатюралар театри» алоҳида ўрин эгаллайди. Телеминиатюра — бу жажжи комедия. Аммо уч-тўрт дақиқада жамиятда учраб турдиган бир иллат икки-уч актёр талқинида миллионлаб томошабинлар кўз олдига фош қилинади. Шунинг учун ҳам бу кўрсатувнинг обрўси эл орасида

ниҳоятда ошиб кетган эди. Бу соҳанинг ҳам ўз бошловчилари, фидойилари бор эди. Сценарий усталари Саид Аҳмад, Элбек Мусоев, Анавар Муқимов, Фарҳод Мусажонов, муҳаррир Эргаш Рақимов, режиссёрлар Ғайрат Убайдуллаев, Эргаш Султонов, комик актёрлар Эргаш Каримов, Хасан Нўрдошев, Саидир Зайнуллоев, Роза Каримова, Хайрулла Саъдиев...

Телеминиатюраларда хизмат қилган яна бир фидойи инсон раҳматли Алл Жамол эди. Биз у кишини Жамолдин ака дердик. Савдий, Фузулий, Хофиздан назаллар ўқирди. Бедла рубойилари эди биларди. Ижод бобида ҳеч қандай даввоси ҳам, таъмаси ҳам йўқ эди. Жамолдин ака дастлаб академияда

ишлаган. Турги сўзлаги учун ўзлари айтмоқчи, дакки еб бозорнинг қоқ ўртасига бориб тушган. Анча овозгарчиликлардан кейин Ўзбекистон радиосида, у ердан телевидениёга ўтиб ишлади. Ана шу ерда элга танилди. Алл Жамол ҳажвичи ижодкор дердик. Унинг кўлаб ҳажвий шеърлари радиода, республика матбуотида чоп қилиниб турарди.

Телевизор Алл Жамол учун асосий ижод майдони бўлди. Унинг «Ўзбекистон қоплон», «Ойхонанинг мушуги», «Пахтакор» енганда ва енгилганда, «Пашт» синари улаб миннаторларини томошабинлар ҳазир ҳам эслаб юришади. У кишининг «Ғиззоз» комедияси телевизорда қайта-қайта намойиш қилинган. «Тоштенар» комедияси эса Сурхондарё ва Каттақўрғон театрларида қўйилган. «Меҳрибонлар», «Жафога—вафо», «Тўйдаги тутун», «Бевафо экан», «Жаноби инсон», «Кувини», «Бир қизга минг ошиқ» пьесалари Тошкент елвайти театрларида бир неча йиллардан буюн сахнадан тушмай, телемошабинлар оқшишига сазовор бўлиб келмоқда.

Жамолдин ака шу кўлабда саксон ёшга тўлган бўларди. Биз кўзгидош дўстларимиз у кишини ҳамма ҳам катта ҳурмат ва эҳтиром билан эсга оламиз. Немат АМИНОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



(Жабрулло ўз уйда маҳалла комитетига хат ёзмоқда)

ЖАБРУЛЛО — Хўш, бу аризани маҳалла комитетига бердим, дейлик, унда нима бўлади? Иш ўртоклик судида қурилади. Ким билсин, иш мени фойдамга ҳал бўладими, хотинимни фойдасигами? Донулар айтган экан: «Эрхотини уруши—лоқа рўмоннинг қуриши», деб. Яхшиси, дарандуринг қилиб юрмай, эртага барвақт туриб, хотинимнинг йулини пойлайман. Албатта, у ишга Утади. «Лип» этиб йулига қундаланг бўлиб, қулидан ушлаб «Тухта, жоним, сента бир гап айтаман», десам-да, четта олиб чиқсам. Азизим, кечиринг, айб мандаг ўгли, ичим тўла пушаймон, ғуноқкорингман, айб менда, деб уз айтсаммикин?! (Бош чайқаб). Йўқ, нега энди айб менда бўлмаган ҳолда, айб менда, дер эканман. У мени «хасис» деди, ҳатто, «сента тегмай мен ўлай», деди. Айтдим, жаҳд устиди, «Сени олмай мен ўлай», деб. Нима мен товўк очган тухумдан чиққанманми ёки ердан чиққан қўнқоринманми, у кишини қовуриб кетаверади. Хасисе, деса индамасам. Гапимни эшитмаси, индамасам, мен эр бўлиб қайққа бордим?!

Айбим, ёшсан, илму рўзгорни ўрган, гўшт ишлатма, гўшт қони зийн, тухум балхэм, қаймоқ мейдани сувайтиради, сарёғ ноннинг заволи, асал касал қилади, деганим-ми! Овқатнинг асоси шолғом шўрва, десам, аччиқлаиб чимирлиб қарайди... Айтганимни қилмаси, чимирлиб турса, жанжал деган шунақадан чиқади-да. Тушганига икки ой бўлдим, бўлдимми, кеча ҳисобласам, 55 марта урушибиз. Уттизтаси уни фойдасига, йигирма бештаси менинг фойдамга ҳал бўлди. Кўпроги «Пахтакор»нинг уйинига ўхшаб, мени зараримга бўлган. Ҳа, шўрим курсини-а, шўрим. У кунни харажатга юбордим. 10 кило майда картошка, 5 кило митти пизё олиб кел, дедим. Травматика бориш-келишига 6 тийин бературиб: «Қулига қизил таққан контролёр чиқмаси, 6 тийинни ҳам рўзгорга ҳаржлайвер» десам, лаби чўчайди. Узим эрка устанми, нима бало? Битта гап озлик қилади, иккита гап кўлик қилади. Бу маликаи сервикорга бир ярим-у киши қардан топаман?! Бир пайт қарасам, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, картошка опчи-

қибди, денг, денг, ҳар биттаси қолхонинг уруғликка олиб қўйган бодрингайи келади. Нима дейман, булар иш бўлган, индамидим, бир пайт қарасам, бирварақайига бешта артиб қўйибди. Яқин келиб: «Хотин-

«Кампир, арзимаган бодомни деб тишингизни синдириб қўйман», десам, нима дейди дег: «Хавотирланманг, қувё бола, қўшнимнинг уели зубной дўхтир, буниси синса, бошқасини қалаб қўяверайди», дейди.

сам, ойиси эшитиб турган экан, «озиб-ёзиб бир келик, ётиб қоламиз, қувё бола» дейди-я. Ҳа, албатта, дедим-у яна кўчага чиқиб кетдим. Қайққа борар эдим, ҳаёлим уйимда. Қайтиб келсам, хотиним леқча қозонни қулоғидан қилиб палов далаб қўйибди.

Шу кунни тонг отар ухламадим. Ош еганларнинг хуррагини эшитсангиз. Нима қилай, чидалим, чидайман... Тонг отди... «Бувим қийналадилар, такси олиб келинг», деса бўладими. Аввал жаҳим фикр, кейин калламга бир фикр келди-ю, кўчага чиқиб такси олиб келдим. Йўлда шофёрга пулини машинага тушганларнинг ўзи тушайди, деб тушунтирдим. Мухомларни шарт машинага ўтказиб жунатиб қутулдим. Ҳа, энди битта эр шунчалик бўлади-да, булдан ортиқ мен яна нима қилишим керак экан!?

Алл Жамол ҲАСРАТКАШ ОШИҚ

жон, бунни картошка дейдилар, биттасини тўрттага бўлсанг, иккита косага бемалол етди, қолгани олиб қўяйлик, дейишимни биламан, хасислигиниз курсин, деб, калламга картошка билан тушириб қолса бўладими?! Мана, бош гурра бўлсаям, дўппи тагида, қулт этиб захримни ичимга ютдим. Бир нарсаси, лей десам, қурғурни яхши кўраман, индамидим... Кунни кеча ишдан келсам, уйда гангир-гунгир, ойиси билан буви си кетти. Дастурхон башанг. Ҳа, ойиси-ку, ойиси, 83 ёшар буви сизга бало борми?! Энди сўрашиб утирувдим, буви сиз «қарс» этиб ёнғоқ чакса бўладими. Их, дедим, галати бўлиб кетдим. Кампирнинг бодса, кампир қийналадиларми?» деса,

Уни қўятуринг неварасини айтмайсизми, шундай жигамта тегдики, кетма-кет дастурхонга қўл узатади-я. Хаш-паш дегунча, бир тақсимча шоколадни еб ташласа бўладими? Жиян, бу енганингиз «Мишка қосолангий» деган шоколад, шираси ўткир, бўғилиб қолмасинлар тагин, десам, «Почча, мента шоколад ёққди!» дейди. Зумрашани гапини қаранг шоколад кимта ёқмайди, ҳаммага ҳам ёққди. Узимга ҳам ёққди. Ортиқ чидаб ўтира олмадим, дудуеланиб, «Бемалол утиринлар» дедим-у, ўпкам тўлиб кўчага чиқдим.

Бир айлини келсам, хотиним саби тўрашпти: «Хотин, олдин улардан сўранг, ўтиришадими, йўқми, кеч кириб қолса, кампир қийналадиларми?» деса, хотинимнинг иштининг, кир юяпти. «Ҳей эшитинг, совунни кўп қипиртирманг, қийимларни эзворасан», десам, мингиллаб, хасислигиниз курсин, мента кир ювадиган машина олиб беринг, дейди. Ичимда, ҳа аҳмогингни

ОЛИМПИА МАШЪАЛИ ТОШКЕНТДА ПОРЛАЙДИ

Шу йил 2-8 сентябрь кунлари Тошкентда бориши Марказий Осиё ўйинлари ўтказилди. Бу ҳақда Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозғистон ва Ўзбекистон Республикалари Миллий олимпия қўмиталари 1995 йил 3 июлда келишиб олган эдилар.

Олатда, бундай мусобақаларга тайёргарлик қўриш учун йиллаб мудат талаб қилинади. Ҳолбуки, Тошкент ўйинлари оқшидан 2 ойдан кўпроқ вақт ҳисобда бор эди. Мутаассадларнинг ишонч билан айтишича, бу мудат етарли бўлади. Иншоотлар юқори даражада мусобақаларга ҳар томонлама тайёрланди. Албатта, бу катта вазифа тинимсиз меҳнат қилишни талаб қилади. Мамлакат бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов раҳбарлигидаги ташкилий қўмита ҳар бир имкониятни ҳисобга олиб, самарали ишлади. Спорт мажмусаларида кенг қамровли таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилади. Барча куч ва имкониятлар сафарбар қилинди. Айниқса, Мудоффа вазирлигига қарашли ареналарда ўталиган баскетбол, сузши, эркин ва грек-рим усулида кураш, отиш мусобақаларига пухта тайёргарлик қўрилди. Катта мусобақанинг ташвишлари ҳам катта бўлади: транспорт, овқат-лаиш... Хомийлар билан келишувлар, йўл ва майдонларни безаш каби юмушлар ҳам қўйилмақом қилинди.



Марказий Осиё ўйинлари республикамиз оқшига янги мавқе бағишлайди. Узоқ йиллик тарихга эга бўлган Олимпия машъали айнан Грециядаги қароргоҳдан ёқиб келтирилди. Бу вазифани ушлашда «ЎзЛОТТО» ўзбек-грек қўшма қорхонаси ёрдам берди. Греция бош вазир хабардор қилинган ва розилиги олинган. Шундай қилиб, мамлакатимиз спорт майдонларида дунё миқёсидаги йирик мусобақаларга синов тайёргарликлари бўлиб ўтди.

ФИНАЛ ТУМАНДА БЎЛАДИ

«Пахтакор —79» хотира турнирининг ҳал қилувчи босқичида «Сўғдиёна» (Жиззах) ва «Навбахор» (Наманган) командалари учрашадиган бўлди. Мусобақа 11 августда «Пахтакор» командаси таркибиди ҳалокатга учраган футболчилардан Суружиддин Бозоровнинг юрти-Самарқанд вилоятидаги Нарпай тумани марказида бўлиб ўтди.

МУКОФОТ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Сеулда ўтказилган хоккей буйича мамлакат чемпионолари аёллар командалари ўртасидаги беллашуларда Бухоронинг «Ситора» командаси фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Бухгалтерлар, сизлар учун!

Юқори сифатли қоғоздан тайёрланган, нархи арзон бланка маҳсулотлар. Тўлов фармойишлари, қирим ва чиқим касса ордерлари ва бошқалар — жами 15 турда.

- Қаттиқ муқовали 100 варақли дафтарлар:
□ кассага оид;
□ асосий;
□ иш ҳақи ёзиладиган;
□ муомаладаги (салдовий);
□ товар-моддий сўтлар буйича муомаладаги;
□ урш учун мўлжалланган - Ф. 84;
□ ёзишга мўлжалланган - Ф. А-3, А-4;
□ шарикли ручкалар;
□ папка ва скоросшивателлар;
□ ён дафтарчалар.

Фирма ва кичик қорхоналарни савдо юзасидан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

Ҳақ тўлаш— пул ўтказиш ва лимитланган чеклар орқали.

Манзил: Тошкент, Муқимий кўчаси, 190, «Средатехэнерго» биноси, 2-қават, 299-хона.
Телефонлар: 77-94-56, 77-94-59, соат 9 дан 13 гача.
Транспортлар: Ҳама метро бекати, трамвай: 4, 9; автобус: 34, 77. Оқтепа майдони бекати.

Ўзбекистон Марказий банки жамоаси банк бўлим бошлиғи О. Султанова отаси Камантай СУЛТАНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўғитлар институти жамоаси катта илмий ходими, кишлоқ хўжалик фанлари номзоди А. Мухамедовага турмуш ўртоғи Сидик МУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия изҳор қилади.

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдорисидаркор!!!
"Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонлар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.
"Тридцать Плюс" нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эгичлигини қайтариб, Сизни ишартиради.
Харид қилиш масаласи буйича қуйидаги маълумот мурожаат қилинг:
"Аджанта Фарма Лимитед" фирмаси.
Тошкент, 700060, Минорутнак кўчаси, 19-уй.
Телефон: (3712) 32-01-42, 33-48-70
Телефон: (3712) 33-84-71
ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари:
"Нин-Сино" докрасиаси: (3712) 44-24-14, 40-44-81.
"Фармек" докрасиаси: (3712) 47-98-90.

ДИҚҚАТ!
"С У В Ж И Х О В Г А З" К К
сув ва газ учун турли моделдаги хўжалик ва саноат сўтчикларини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Сифатли, арзон, чидамли, бежирим СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ.
Тошкент, Воровский кўчаси, 26
"Чкалов" метро бекати.
Телефонлар: 96-53-71, 96-70-94.
Факс: 96-14-20.

"Ўзбеккимёмаш" ОТХЖ
(Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 2)
ишлаб чиқаришга қабул қилади ва омборидан сотади:
✓ ҳаво ва кимё газ турбокомпрессорлари, маҳсулдорлиги бир дақиқага 40 дан-500 кубометрача ва чиқишда юқори босими 1.06 дан-1.8 кгс/см-кубометрга этиб боради.
✓ вакуумлик ВВН1-25М1, сув ҳайдовчи 5К-65-50-150, Д-1250-65, кимёвий К80-65-220, НВ10-65
✓ насосларини.
✓ тиббий, бир ўринлик БЛКС-3-01 барокамералари, юрак касалликларини, газ билан захарланган ҳолда даволашда ишлатилади.
✓ мева-сабзавот, гўшт консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун, тик тушган Б6-КАВ-2 автоклавларини.
✓ даража алмаштириш маҳсулоти ва умумий аппаратларини, сувсизлантириш аппаратларини, стандартдан ташқари қора металлдан, занганмас ва титан қотишмаларидан маҳсулотлар тайёрлайди.
Телефон: (37171) 99-248.
Факс: 53-426.

Ўзбекистон-Белорус қўшма қорхонаси
"ЎЗБЕКМАЗСЕРВИС"
Тошкент омборхонасидан сўмда пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни сотади:
◆ барча турдаги "МАЗ" автомобиллари учун биринчи бутловдаги двигателлар, шунингдек эҳтиёт қисмлар;
◆ қўл билан ишлатиладиган насослар;
◆ тортиқ насослар;
◆ форсункалар;
◆ пуркагичлар;
◆ плунжер жуфтликлар;
◆ ёнилғи аппаратлари.
Бизнинг манзилимиз:
Тошкент, 8-март кўчаси, 57-уй.
Алоқа телефони: (3712) 91-68-94.
"Ўзбекмазсервис":
Тошкентдаги омборхонасидан маҳсулот сотади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖўРАБОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Кишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодийёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тўлиқ муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — К. Рихиев,
Навбатчи — Ф. Сапаев.